

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ ВА УНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a20

Баҳриддинова Муаззам Азам қизи -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази докторанти
Жалолиддинов Низомиддин Хусниддинович -
Ўзбекистон Миллий Университети
1-курс таянч докторанти

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасидаги демографик вазият ва унинг бугунги кундаги муаммолари ҳудудий жиҳатдан ўрганиб чиқилгани ҳақида сўз боради. Шунингдек, Республикада демографик жараёнлар туғилиш сонининг ҳудудлар кесимида ортиб бориши ва миграция оқими ҳам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитларнинг ўзгаришига замин яратади. Бу эса ўз навбатида, демографик вазиятнинг ўзгариш суръатларига таъсир кўрсатади ин.

Калит сўзлар: туғилиш, ўлим, никоҳ, демографик вазият, демографик жараёнлар, миграция, табиий ўсиш, урбанизация даражаси, меҳнат бозори, демографик сиғим, демографик майл, жинсий таркиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.

ДЕМОГРАФИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА
И ЕЕ СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ

Баҳриддинова Муаззам Азам қизи -
докторант Научно исследовательском центре
“Научные основы и проблемы развития
экономики Узбекистана» при ТГЭУ
Джалолиддинов Низомиддин Хусниддинович -
Национальный университет Узбекистана
1 курс базового докторанта

Аннотация. В статье рассказывается о демографической ситуации в Республике Узбекистан и ее современных проблемах с региональной точки зрения. Также демографические процессы в республике, увеличение числа рождений в регионах и миграционный поток создают основу для изменения социально-экономических и политических условий. Можно сказать, что это, в свою очередь, влияет на скорость изменения демографической ситуации.

Ключевые слова: рождение, смерть, брак, демографическая ситуация, демографические процессы, миграция, естественный прирост, уровень урбанизации, рынок труда, демографическая емкость, демографическая тенденция, половой состав, городское и сельское население.

DEMOGRAPHIC SITUATION IN THE TERRITORY OF UZBEKISTAN AND
ITS MODERN PROBLEMS

Bahriddinova Muazzam Azam kizi -
Research center «Scientific bases and issues
of development of Uzbekistan economy» under the TSUE
Jaloliddinov Nizomiddin Husniddinovich -
National University of Uzbekistan
1st year foundation doctoral student

Annotation. This article talks about the demographic situation in the Republic of Uzbekistan and its present-day problems from a regional perspective. Also, the demographic processes in the Republic, the increase in the number of births in the regions and the flow of migration create the basis for changes in socio-economic and political conditions. We can say that this, in turn, affects the rate of change in the demographic situation.

Keywords: birth, death, marriage, demographic situation, demographic processes, migration, natural growth, level of urbanization, labor market, demographic capacity, demographic trend, sex composition, urban and rural population.

Кириш. Ҳар бир сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараён демографик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, барча давлатлардаги жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. Туғилиш даража-

сининг тебраниши муайян вақтдан кейин таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда, меҳнат бозорида иш билан бандликда, давлатнинг ижтимоий соҳага харажатларида

бевосита ўз аксини топади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келган ва у аҳоли сони ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли сонининг камайиши, шу билан бир вақтда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайиши, урбанизация жараёни ортаётганида намоён бўлмоқда.

Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси йилдан-йилга тез кўпайиб бораётган давлатлар қаторига киради. Жумладан, 2022 йилга келиб, республика аҳолиси сони 35 миллион 400 минг кишидан зиёд бўлиб, бундан, шаҳар аҳолиси 17510,4 кишини ташкил этади. Бу ҳудудда Ўрта Осиё жами аҳолисининг 1/3 қисмидан кўпроғи яшайди [1].

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳудудий таркибига кўра, 2011 йилда жами аҳоли республика бўйича, 28001,4 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 34 558,9 минг кишига бўлган. Республикада шаҳар аҳолиси 2011 йилда 14425,9 минг киши, қишлоқ аҳолиси 13575,5 минг кишини, 2021 йилда шаҳар аҳолиси 17510,4 минг киши, қишлоқ аҳолиси 17048,1 минг кишини ташкил қилган. Демак республикада шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони жадал суръатда ўсиб бораётганини кўриш мумкин [9].

Республика аҳолиси сони туғилиш сони юқори бўлган Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳисобига ошиб бормоқда. Мавжуд демографик сиғим ва демографик майл миллатнинг йиллар давомида сақланиб келаётган болапарварлик, диний қадриятлар устунлиги билан изоҳлаб айтадиган бўлсак, республика аҳолиси сони йилдан-йилга ортиб боради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ҳозирги кунга келиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларида олимлар ва мутахассислар томонидан демографик вазият, унинг таркиби, у билан боғлиқ демографик жараёнларни ўзига хос хусусиятлари ўрганилмоқда. Аҳоли такрор барпо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унга таъсир этувчи ижтимоий-демографик омиллар иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан демографик вазият ва унинг иқтисодий-ижтимоий жараёнларга таъсири, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган.

Демограф олима М. Бўриеванинг фикрича, “Демографик жараёнлар аҳоли сони, таркиби, жойлашуви ва сифати динамикасининг тенденцияларини сақлаб қолишни ёки ўзгартиришни назарда тутувчи аниқ мақсадга йўналтирилган

фаолият ва у демографик вазиятга бевосита таъсир ўтказиши” [3].

Жаҳон ҳамжамиятида машҳур бўлган демограф А. Совининг шундай таъкидлаган: “Демографик вазият – ўз олдида фақат биргина аҳолининг сонини ўзгартиришдан-да кенгроқ вазибаларни кўйиши ва бир қарашда демографиядан узоқ бўлиб кўриниши мумкин бўлган соҳаларни ҳам қамраб олиши мумкин” [4].

Кўп тилли демографик луғатнинг асосида ҳам ўша фикр ётади, унда “демографик вазият, бир томондан, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларнинг, иккинчи томондан, демографик жараёнлар ва улар оқибатларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш” сифатида таърифланган [5].

“Общая теория населения” китобида “Демографик омиллар демографик вазиятнинг асосий қисми бўлиб, жамият тараққиётининг турли босқичлари ва турли давлатларда ўзига хос хусусиятларга, йўналишларга эгадир” деган фикрни таъкидлаган [6].

А.Я. Кваши “Современная демография” асарида “Барча аҳоли қатламларининг турмуш шароитларини яхшилаш демографик вазиятга таъсир этади” деган фикрни илгари суради [7].

Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда, айтиш жоизки, барча таърифларда давлатнинг, демографик омилларни назарда тутган ҳолда, оптимал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари (тартибга солиш воситалари) тизимини қўллаш йўли билан аниқ мақсадга йўналтирилган, бошқарувчи таъсири зарурлиги муҳим ҳисобланади. Демографик жараёнлар нуқтаи назаридан давлат томонидан тартибга солиш, фикримизча, демографик ривожланишнинг барча кичик тизимлари (туғилиш миқдори, ўлим сони, аҳолининг миграцияси ва сифати) нормал ишлаши учун энг қулай шароитларни яратиш билан боғлиқ бўлиши керак. Шу билан бирга бозор ислохотлари шароитида демографик жараёнларнинг ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий тартибга солишчи омилларнинг аҳамияти ортади.

Шундай қилиб, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб ва иқтисодчи олимларнинг юқорида келтирилган таърифларини умумлаштирган ҳолда, демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилиги, иқтисодий ва ташкилий-хўжалик механизмларини уйғунлаштириш орқали демографик жараёнларга (демографик вазият сифатига) давлат томонидан таъсир этиш усуллари ва чора-тадбирлари тизими тушунилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилинди. Статистик маълумотларни таҳлил қилиб, ҳудудлар кесимида ўзаро таққослаш усулидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар бир давлатда аҳолининг табиий ҳаракати ўрганиб борилади. Чунки аҳолининг табиий ҳаракати аҳоли такрор барпо бўлишида муҳим аҳамиятга эгадир. Туғилишнинг умумий коэффиценти Ўзбекистон Республикасида 2011 йил 22 промиллени, 2021 йилда эса 24,6 промиллени ташкил қилганини кўриш мумкин.

Вилоятлар аҳолисининг ҳудудий таркибига кўра Самарқанд вилояти биринчи ўринда турибди (3947,7 минг киши). Шаҳар аҳолиси сони

бўйича эса республика пойтахти Тошкент шаҳри етакчилик қилмоқда (2694,4 минг киши). Қашқадарё вилояти аҳолининг сони бўйича Наманган вилоятидан кейинг ўринда турибди (3335,4 минг киши). Аммо Қашқадарё вилояти шаҳар аҳолиси сони бўйича етакчилик қила олмайди. Қишлоқ аҳолиси сони шаҳар аҳолиси сонидан анча устунлик қилади. Бу эса албатта, вилоятнинг урбанистик даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳудудий таркиби, 2011-2021 йиллар

Маъмурий-ҳудудий бирликлари	Ҳудудлар бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сони (йил бошига; минг киши)					
	2011 й.			2021 й.		
	Жами аҳоли	шу жумладан:		Жами аҳоли	шу жумладан:	
шаҳар аҳолиси		қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси		қишлоқ аҳолиси	
Ўзбекистон Республикаси	28001,4	14425,9	13575,5	34558,9	17510	17048,5
Қорақалпоғистон Республикаси	1632	820,3	811,7	1923,8	942,0	981,7
вилоятлар:						
Андижон	2549,1	1358,4	1190,7	3188,1	1665,9	1522,2
Бухоро	1612,5	622,4	990,1	1947,1	715,4	1231,7
Жиззах	1116,8	526,8	590	1410,5	660,0	750,5
Қашқадарё	2616,1	1135,7	1480,4	3335,4	1432,8	1902,6
Навоий	851,6	420,9	430,7	1013,6	497,0	516,6
Наманган	2258,5	1458,8	799,7	2867,5	1857,5	1010,0
Самарқанд	3119	1160,4	1958,6	3947,7	1458,7	2489,0
Сурхондарё	2075	767,9	1307,1	2680,8	971,2	1709,6
Сирдарё	714,4	294,7	419,7	860,9	366,7	494,2
Тошкент	2585,9	1293,2	1292,7	2975,9	1469,6	1506,0
Фарғона	3074,6	1802,5	1272,1	3820,0	2152,1	1667,9
Хоразм	1561,6	529,6	1032	1893,1	626,8	1266,3
Тошкент ш.	2234,3	2234,3	-	2694,4	2694,4	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.

Республикада бозор муносабатлари шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитлар ўзгариши аҳоли такрор барпо бўлишининг ҳудудий хусусиятларида бир қатор ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Бу ўзгаришлар қуйидагиларда акс этмоқда; яъни туғилиш кескин камайди, мамлакатдаги славян халқлар, яҳудий, месхети турк, грек, украин, немис ва бошқа халқларнинг маълум қисми ўз тарихий юртлари ва бошқа хорижий давлатларга кўчиб кетди. Энг катта манфий миграция сальдоси 1990 йилда кузатилиб, 181,2 минг кишини ташкил этди. Мазкур демографик жараёнлар Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръатларини қисқаришига олиб келди.

1990-2005 йилларда мамлакат аҳолисининг ўсиш суръати пасайиб бораётган даврда баъзи вилоятларда бу жараён секинроқ кечди. Ўзбекистонда демографик вазиятнинг энг муҳим хусусиятлари аҳоли ўсиш суръатларининг пасайиб бориши; аҳоли табиий кўпайиш кўрсаткичининг камайиши; ташқи миграция натижаларининг манфийлашуви; шаҳар аҳолисининг суст ўсиши ва бошқалар. Ҳозирги кунда

Ўзбекистон аҳолисининг 16,4 фоизи Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади. Хоразм, Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳам биров аҳолиси салмоғида ўсиш бўлди.

Ўзбекистон Республикаси жами аҳолисининг 50,5 % шаҳарларда, қолган қисми қишлоқларда яшайди. Сўнгги йилларда урбанизация даражаси пасайиб бориши ва қишлоқ аҳолиси ҳиссасининг ўсиши кузатилмоқда. Республика умумий аҳолиси кўпайиш суръати пасайиши ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарликларга нисбатан тезроқ ўсиш жараёни кузатилмоқда. Айни пайтда шаҳар аҳолисининг кўпайиш суръати энг паст даражага тушиб қолган. 1991 йилда Ўзбекистонда янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди ва бу ўзгаришлар биринчи навбатда, унинг демографик вазиятига ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистонда 2021 йил маълумотида кўра, 17 та йирик шаҳар мавжуд. Кейинги пайтда урбанизация кўламига шаҳар аҳолисининг табиий ўсиш даражаси камайиб бориши ҳам таъсир этмоқда.

Қашқадарё вилояти урбанизация даражаси бўйича республикада куйи ўринларда туради (43,1 фоиз, 2021 йил). Қишлоқ аҳолиси юқори бўлишига асосий сабаб, деҳқончилик ва чорвачилик яхши ривожланганлигидир. Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли орасида маълумотлилик даражаси шаҳар аҳолисига нисбатан пастлиги, саноатда аҳоли улуши жуда камлиги каби бир қанча мисолларни келтириб ўтиш мумкин.

Демак, айтиш мумкинки, 1959 йилда урбанизация даражаси Ўзбекистонда 33,6 фоиз, Қашқадарё вилоятида 13,2 фоизни ташкил қилган бўлса, орадан 20 йил ўтиб, 1970 йилда Ўзбекистонда 36,6 фоиз, Қашқадарё вилоятида 16,5 фоизга ўсганини кўриш мумкин[9].

Демак, урбанизациянинг ўсиш суръати 3 фоиздан ошган дейиш мумкин. 1979 йилга келиб, урбанизация даражаси Ўзбекистонда 41,2 фоиз, Қашқадарё вилоятида 25,2 фоизга ўсган. Қашқадарё вилоятида урбанизация даражаси 8,7 фоизга ошган. Бундай юқори ўсиш даражасидан кейин 2008 йилгача Республика ва Қашқадарё вилоятида урбанизация даражаси сезиларли даражада ўсмаган. 2009 йилда Президент фармонида кўра, кўплаб қишлоқларга шаҳарча мақоми берилди ва республикада урбанизация даражаси 2021 йилга келиб, 50,5 фоизни, Қашқадарё вилояти эса 43,1 фоизни ташкил қилган. Урбанизациянинг тез ўсишига кўплаб қишлоқларга шаҳарча мақоми берилгани сабаб бўлди дейишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда аҳолининг миллий таркибида ўзбекларнинг ҳиссаси ошди ва ҳозир республика аҳолисининг 80,0 %ни ташкил этмоқда. Республикада қорақалпоқлар иккинчи туб миллат ҳисобланади. Уларнинг умумий сони 549,2 минг кишига ёки мамлакат аҳолисининг 2,2 %га тенг. Ўзбекистон Республикасида Ўрта Осиё маҳаллий халқларидан тожиклар (1237,4 минг ёки 4,9 %), қozoқлар (977,8 минг 3,6 %), қирғизлар (227,4 минг 0,9 %), туркманлар (152,3 минг 0,6 %) ҳам истиқомат этади. Ўзбекистонда яшаб келаётган татарлар сони ҳам анчагина (275,4 минг киши 1,0 %). “Ўзбекистон Республикасида рус, украин, белоруслар билан бир қаторда поляк, чех, болгар ва бошқалар ҳам яшайди. 1989 йил аҳоли рўйхатига кўра сони жиҳатидан 2-ўринда руслар турар эди, ҳозир эса 3-ўринда бўлиб, 1050 минг кишидан зиёд ёки умумий аҳолига нисбатан 3,8 %ни ташкил этади”.

Республикада аҳоли сони ва табиий ўсиш кўрсаткичи юқори бўлган Қашқадарё вилояти-ни туб жой аҳолисини асосий қисмини ўзбеклар (85 фоизга яқини) ташкил қилса, қолган қисмида, араб, тожик, туркман миллатига мансуб аҳоли ҳиссаси юқори. Бошқа вилоятларга нисбатан Қашқадарё вилоятининг Миришкор ва Косон

туманларида араб миллатига мансуб аҳоли салмоқли даражани ташкил этади.

Аҳолининг кўпайишида ёшлар, айниқса, 15-19, 20-24, 25-29 ёшли гуруҳларнинг жинсий таркиби алоҳида аҳамиятга эга. Чунки аҳоли, асосан, мана шу ёшларда никоҳга кириб, оила қуради. Маълумотларга кўра, дунёдаги жуда кўп давлатларда 15-30 ёшлардаги аёлларга нисбатан эркекларнинг сони биров юқорилиги кузатилади. Ўзбекистонда асосий никоҳга кириш ёшларида эркеклар ва аёллар нисбати деярли тенгдир. Бу тенглик аёлларнинг туғиш ёшидаги гуруҳларида ҳам давом этади. “Ўзбекистонда аҳолининг ёш таркиби унинг демографик хусусиятлари ва турмуш даражасига боғлиқ”. Қашқадарё вилояти аҳолиси жинсий таркибида эркеклар устун эканини кўришимиз мумкин (51 фоиз). Вилоятда аҳоли таркибида аёллар салмоғи 60 ёшдан юқориларни ташкил қилади.

Ўзбекистон дунёда туғилиш даражаси нисбатан юқори бўлган давлатлардан. Аҳоли таркибида болалар салмоғининг ошиб бориши биринчи навбатда болалар ўлимининг кескин камайиши билан боғлиқ. Болалар салмоғи ошиб боришига бевосита таъсир этувчи омиллардан яна бири Ўзбекистонда туғилаётган болалар сонининг кўпайиб боришидир. Туғилиш суръати XX асрнинг 2-ярмида жуда юқори бўлган.

Ҳар бир давлатда аҳолининг табиий ҳаракати ўрганиб борилади. Чунки аҳолининг табиий ҳаракати аҳоли такрор барпо бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Туғилишнинг умумий коэффициенти Ўзбекистон Республикасида 2011 йил 22 промиллени, 2021 йилда эса 24,6 промиллени ташкил қилганини кўриш мумкин. Республикада энг юқори туғилиш коэффициенти Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, 2011 йил 23,7 промилле, 2021 йилда эса Қашқадарё вилоятида 27,3 промилле, Сурхондарё вилоятида эса 28,1 промиллени ташкил қилмоқда. Сурхондарё вилояти туғилиш коэффициентининг юқорилиги бўйича республикада етакчилик қилади. Республикадаги энг кам туғилиш коэффициенти эса 2011 йилда 17,2 промилле бўлиб, Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса, 2021 йилда эса Қорақалпоғистон вилоятида туғилиш коэффициентининг энг кам кўрсаткичга эга бўлганини кўриш мумкин.

Ваҳоланки, Қорақалпоғистон Республикасида туғилиш коэффициенти 2011 йилда 22,7 промиллени ташкил қилган эди. 2011 йилда энг кам туғилиш коэффициенти Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса, 2021 йилда Тошкент шаҳрида туғилиш коэффициенти 20,9 промиллени ташкил қилмоқда. Энг юқори туғилиш коэффициенти бўйича Сурхондарё вилоятдан кейинги ўринларда Қашқадарё вилояти (27,3) ва Жиззах вилоятлари (27,2) турганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ҳаракати, 2011-2021 йиллар

Худудлар	Туғилишнинг умумий коэффициенти		Ўлимнинг умумий коэффициенти		Табиий ўсиш суръати коэффициенти	
	2011 й.	2021 й.	2011 й.	2021 й.	2011 й.	2021 й.
Ўзбекистон Республикаси	22,0	24,6	4,8	5,1	17,2	19,5
Қорақалпоғистон Республикаси	22,7	20,6	5,0	4,8	17,7	15,8
Анджон	22,6	25,8	4,9	5	17,7	20,8
Бухоро	20,7	21,4	4,4	5,2	16,3	16,2
Жиззах	22,4	27,2	3,8	4,3	18,6	22,9
Қашқадарё	23,7	27,3	3,8	4,2	19,9	23,1
Навоий	21,2	23,7	4,6	5	16,6	18,7
Наманган	21,5	26,3	4,5	4,8	17	21,5
Самарқанд	23,2	25,9	4,4	4,7	18,8	21,2
Сурхондарё	23,7	28,1	3,9	4,5	19,8	23,6
Сирдарё	22,5	24,7	4,8	4,6	17,7	20,1
Тошкент	20,8	22,3	5,8	6,2	15	16,1
Фарғона	22,1	24,6	5,0	4,9	17,1	19,7
Хоразм	22,7	22,3	4,4	5,1	18,3	17,2
Тошкент ш.	17,2	20,9	7,1	8,1	10,1	12,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Республикада ўлим коэффициенти 2011 йилда 4,8 промилле, 2021 йилда эса 5,1 промиллени ташкил қилган. Республикада энг юқори ўлим коэффициенти Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 2011 йилда 7,1 промилле, 2021 йилда 8,1 промиллени ташкил қилганини кўриш мумкин.

Ўлим умумий коэффициенти Тошкент шаҳридан кейин энг юқори бўлган вилоят Тошкент вилояти бўлиб, 2011 йилда 5,8 промилле, 2021 йилда 6,2 промиллени ташкил этган. Энг кам ўлим умумий коэффициенти эса Қашқадарё (4,2) ва Жиззах (4,3) вилоятларига тўғри келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, табиий ўсиш коэффициенти республикада 2011 йил 17,2 промилле, 2021 йилда эса 19,5 промиллени ташкил қилганини кўриш мумкин. Вилоятлар ичида энг юқори ўсиш суръати 2011 йилда Қашқадарё вилоятида 19,9 промилле, Сурхондарё вилоятида 19,8 промилле бўлган бўлса, 2021 йилда Сурхондарё вилоятида 23,6 промилле, Қашқадарё вилоятида 23,1 промиллени ташкил қилмоқда.

Табиий ўсиш коэффициентининг ушбу вилоятларда юқори эканлигига асосий сабаб қилиб, туғилиш сони юқори, аёлларнинг бандлик даражаси пастлиги, қизларнинг эрта турмушга берилиши ва оқибатда маълумотлилик даражасига эга бўлмасликлари, асрлар давомида сақланиб келаётган кадрятларни кўрсатиш мумкин.

Мамлакатда йирик sanoat марказлари бўлган Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Зарафшон, Оҳангарон, Фарғона, Бекобод шаҳарлари аҳолиси сони кўп жиҳатдан бу ерга кўчиб

келганлар асосида ошиб борди. Мазкур омилнинг роли ХХ асрнинг бошларида ҳам сезиларли бўлган: ўртача бир йилда кўпайган ҳар 10 кишидан биттаси ташқи миграция ҳисобига тўғри келган. “Мустақиллик йилларида русийзабон халқларнинг ўз юртларига қайтиб кетиши натижасида ташқи миграциянинг манфийлашув аломатлари анча сезиларли тус олди. Аҳолининг республикадан кўчиб кетиши 1990 йилда ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Ўша йили давлат органлари томонидан расмий равишда қайд қилинган миграциянинг манфий қолдиғи 140 минг кишини ташкил қилди”[10].

Кейинги йилларда у аста-секин камайиб борди. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ ва туркманларнинг миграция воситасида ўзларининг мустақил республикаларига кўчиб кетишлари ҳам республикалараро миграцион алоқаларнинг 1991-1994 йиллардаги асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Масалан, 1996-2003 йиллар мобайнида миграция туфайли Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси 531 минг кишига камайган[2]. Ўзбекистон аҳолиси фақат табиий кўпайиш ҳисобига бир йилда 370-400 минг кишига ортиши лозим, бироқ миграция қолдиғи манфий бўлганлиги сабабли бу кўрсаткич 300 минг киши атрофида бўлган. Ташқи миграция, аввало, шаҳар аҳолиси динамикасига таъсир этади. Чунки мамлакатга келганларнинг ҳам, кетганларнинг ҳам кўпчилиги шаҳарлар билан боғланган.

Миграцияда қатнашганларнинг жами ҳажмида Россия ҳиссасига 50,9 фоиз, Украинага

12,9 foiz, Qozoғistonга 10,9 foiz, Ўрта Осиённинг бошқа мамлакатларига 13,2 foизи тўғри келади. Ўзбекистонда ички миграция ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. XX асрнинг 60-70 йилларида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши муносабати билан бу ерга Фарғона водийси ҳамда Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларидан маълум қисм аҳоли кўчиб келган. Шунингдек, Қарши, Сурхон-Шеробод даштларининг ўзлаштирилиши билан ҳам аҳолининг ички миграцияси боғлиқ бўлди. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ва Фарғона водийсидаги янги ташкил этилган қишлоқ туманлари аҳолиси, асосан, миграция натижасида шаклланган.

Оролбўйида экологик вазиятнинг салбийлашуви сабабли 1990-йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи туманларидан Тошкент ва Сирдарё вилоятларига аҳолининг кўчиб келиши кузатилди. Қашқадарё вилояти миграция даражасига кўра республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди (28 минг киши, 2021 й.). Аҳоли сони кўплиги ва иш ўринларининг етишмаслиги миграцияга сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Яқин келажакда Ўзбекистоннинг демографик ривожланишида аҳоли сони ва туғилиш даражасининг мунтазам ошиши; аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг юқори суръатда кўпайиши, республикадан ташқарига миграцион кўчишлар ҳажми камайиши; урбанизация даражасининг барқарорлашуви; оналар ва болалар ўлимининг доимий камайиши; ҳаёт давомийлигининг мунтазам узайиши каби ижобий тенденциялар кузатилади.

Юқоридаги ижобий тенденциялар билан бирга мамлакатда демографик ривожланишни янада юқори сифатли аҳолини такрор барпо этиш таъминлаш мақсадида демографик ривожланишнинг биринчи галдаги вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- туғилишни узоқ муддатли истиқболда ҳам демографик такрор барпо бўлишнинг оддий режимини таъминлаш даражасида сақлаш;

- аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, аҳолига юқори сифатли, замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш;

- узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда яшовчи аҳолини чуқур тиббий кўриқдан ўтказишда тиббиёт олий ўқув юртларининг, республика ихтисослаштирилган марказларининг ва илмий тадқиқот институтларининг етакчи олимлари ва мутахассислари иштирокини таъминлаш;

- тўғри овқатланиш ва гигиена, соғлом ҳомиладорлик ва бола парвариши, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи масалаларида аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш;

- ишлаб чиқаришда меҳнат қилишнинг ҳавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш, бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва жароҳатларнинг олдини олиш. Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган демографик сиёсатнинг стратегик мақсадига эришиш йўналишларини мунтазам амалга ошириш республикада аҳолини такрор барпо қилувчи юксак демографик салоҳиятни шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишга замин яратади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тоғжиева З.Н., Дўсмонов Ф.А. Демография. – Тошкент, 2020. 12 б.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Х.Х. Абдурамонов. Демография. – Т.: Ношир, 2011.
3. Демография. Современное состояние и перспективы развития: Учеб. пособие/ Под ред. Д.И. Валентея. – М.: Высшая школа, 1997. – С.259.
4. Сиви А. Мифология нашего времени. – М.: Прогресс, 1979. – С.103
5. Многоязычный демографический словарь. – Нью-Йорк, 1973. – С.4
6. Общая теория населения, 1995. – С.170-171.
7. Современная демография /Под ред. Кваши А.Я., Ионцева В.А. – М.:
8. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. – Т.: “Фан” нашриёти – 2019 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси www.stat.uz- расмий веб сайти
10. Қаюмов А.А., Утепова Г. Меҳнат ресурсларини такрор барпо қилишнинг демографик асослари. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 21- жилд. – Т., 2000. 171-177-б.
11. Abdurakhmanov K., Zokirova N. Labour Economics and Sociology: Edited by: Prof. Dr. E.S.Margianti, SE., MM. Tutorial. – Jakarta: Gunadarma Publisher, 2013, 430-p.
12. Abduraxmonov Q.X., Shoyusupova N.T. Aholini ish bilan bandligi. O'quv qo'llanma. – T.: 2011. – 4-5 b.
13. Xolmo'minov Sh.R., Xolmurodov S.E. Mehnat bozori iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma. – T.: 2013.
14. <https://labormigration.uz/DamodarGujarati>. Econometrics by Example.
15. Tito Boeri, Jan van Ours The Economics of Imperfect Labor Markets: Second Edition Princeton University press Pirinceton and Oxford United Kingdom 2013.